

ЎЗБЕК КЛАССИК МУСИҚА САНЪАТИГА АЛЛОМАЛАРНИНГ ҚАРАШЛАРИ

Хасан Сулайманович Омонов,

Жиззах давлат педагогика институти

Санъатшунослик факультети декани, доцент.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекфольклори, классик мусиқаси ва “мусиқий макка” нисбатини олган Хоразм мақомларини аҳамияти, мусиқа санъати намоёндалари тўғрисида фикр юритилади.

Аннотация: В статье рассматривается значение узбекского фольклора, классической музыки и хорезмских мақомов, которые считаются «музыкальной Меккой», а также представителей музыкального искусства.

Annotation: This article discusses the importance of Uzbek folklore, classical music and Khorezm maqoms, which are considered to be "musical mecca", as well as representatives of the art of music.

Калит сўзлар: Мусиқа, кўшиқ, макка, мақомот, мерос, Хусайн Бойқаро, Феруз, Амир Темур, Алишер Навоий.

Мусиқа – кўшиқ инсонга юқори кайфият бағишлайди, тетиклаштиради, ички дунёсини бойитади. Зийрак бўлишга ундайди. Иш унумини оширади. Маънавий - ақлий қобилиятини юксалтиради. Инсон шу даражада мураккаб, ғоявий бой зотки, у ҳар қанча улуғвор бўлмасин мусиқага, кўшиққа, санъатга мурожаат этиб келган. Башарти мусиқа гаштини билмаса, кўшиқ айтишни эпполмаса ҳам баъзан юрагидаги ғам – ғуссани ёки шодлигини ҳазм қилиш учун оҳанг чиқарган, ўзича ниманидир ҳиргойи қилиб, шу тариқа ўзини овутади. Мусиқа ҳар бир инсоннинг миллийлигини белгилайди.

Мусиқа санъати инсоният маънавиятининг калитидир. Мусиқа орқали дунёни англаш, тушуниш доимо ўзининг ижобатини топиб келган. Шунинг учун ҳаётда мусиқа билан ошно бўлган, мусиқанинг сеҳрли садоларидан баҳраманд бўлган инсонларгина эзгу ишларга қўл уришганлар. Зеро, мусиқа ижодиётининг илҳомлантирувчи кучи ҳамдир. Шу боис бўлса керак, ўтмишда яшаб ижод этган олим-уфузалолар, шоир-у адиблар, файласуф-у иқтисодчилар мусиқа билан ошно бўлишга ҳаракат қилганлар. Унинг сир-у

асрорларидан чукурроқ бохабар бўлиш учун уринганлар. Шунинг учун ҳам муסיқа ва кўшиқ барчага баробардир. Барча инсонлар ундан баҳра олади. Жон дили билан берилиб тинглайди. Қадим – қадимдан инсон муסיқа билан яшаб келган. Қадим замонлардаёқ муסיқа ва кўшиқ маъбуди Музе куйлаганда йиртқич ҳайвонлар ювош бўлиб, асов дарёлар сокин оқиб қолган, сержаҳл-жаҳолат жilовини туйиб қўйган, қаронғу тунлар ёруғ бўлиб қолган экан. Қадим замонларда инсонлар Музегга бекорга сиғинмаган. Замонлар ўтиб муסיқа ҳам тараққиёт билан бирга қадамба – қадам тараққий этиб, унинг хилма – хил турлари юзага келди.

Масалан, қадим дунё қамишдан ясаган най, кейинчалик жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. Қадим дунёдаёқ мавжуд бўлган гекзаметр ва понтаметр номи билан икки байт, лириканинг машҳур тури мело – эмгия еле – қамиш сўзидан олинган бўлиб, асосан, ўзига хос най қамишдан ясаган эди. Бу лирика дастлаб кичик осиедаги Фегиа вилоятида пайдо бўлиб, дунё бўйлаб деярли барча халқлар муסיқа ва кўшиқ санъатига кириб боради.

Кўриниб турибдики, инсоният қадимдан муסיқага ташна бўлиб яшаган. ”Илиада” ва “Одиссей” каби улкан китоблари билан ер юзида сўз санъатига асос солган Гомер икки кўзи сўқир бўлишига қарамасдан муסיқа бобида ҳаммани лол қолдирган, ўзининг бу икки китобини муסיқа жўрлигида кўшиқ қилиб айтган.

Инсониятнинг гўдаклик даврларида қадим дунёда муסיқа ва кўшиққа эътибори шу даражада юксак бўлганки, беихтиёр ҳайрат билан қарайсиз. Ўзининг 90 дан ортиқ трагедиясини муסיқа жўрлигида ижро этган трагедиянинг отаси деб ном қозонган Эсхил ўн уч марта ғолиблик гулчамбарини қўлга киритиб, афиналикларнинг олқишига сазовор бўлади.

120 дан ортиқ трагедиянинг муаллифи Софокл ўз асарларини муסיқа билан ижро этиб, 24 марта ғолиблик гулдастасига сазовор бўлган улуг шоирдир.

Шарқ халқ оғзаки ижодида муסיқа жўрлигида асарлар ижро этиш катта анъанага айланган.

Эргаш Жуманбулбул Ўғли, Фозил Йўлдош Ўғли, Пулкан Шоир, Ислом шоир ҳам муסיқани яхши билган, маҳорат билан ижро этиб катта – катта достонларни кўшиқ қилиб айтиб юрган, ўзига хос шарқ Гомеридир. Атокли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифнинг таъкидлашича, шоир Фозил Йўлдош ижросига берилиб кетганидан эрталабгача силжиб пайгоҳга келиб қолганини билмай қолган экан.

Кўпгина шоирлар ўз шеърларини муסיқага солиб, кўшиқ қилиб куйлаганлар. Шарқ мумтоз адабиётининг улуғ шоири Абдурахмон Жомий муסיқани яхши билган. Классик куйларни маҳорат билан чалиш билан биргаликда ўз ғазалларини кўшиқ қилиб куйлаган. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам муסיқага алоҳида эътибор билан қараган. Муסיқачи ва шоирларни йиғиб, базм кечалари уюштириб турган. Ғазал мулкининг султони Абдурахмон Жомийни ўз устози деб билади, айниқса устозининг муסיқа – кўшиқ бобидаги маҳоратига, истеъдодига юксак баҳо беради.

Шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобурнинг муסיқа ва кўшиққа ихлоси юксак бўлган. Ватан ҳақидаги ғазалларини кўшиқ қилиб куйлаган. Муסיқага бағишлаб рисола ёзган. Шоир фурқат ҳам ўз шеърларини муסיқага солиб куйлаган.

Алишер Навоий устози Фахриддин атторнинг муסיқа ва кўшиқ борасидаги маҳоратига юксак баҳо бериб, уни машҳур қахнусга, ўзини эса жўжа – бола Қахнусга қиёс қилади. Бу борада таъкидлаб, ”Тамбур чалинсин, Навоий кўшиқ айт” дейди. Навоий устози Жалолоддин Румийнинг муסיқавий мактабига юксак баҳо беради. Ўз замонида унга тенг келадиган санъаткор бўлмаганлигини таъкидлаб ўтади. Масалан, фольклор жанрини олиб қарайдиган бўлсак фольклорларни халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишда тарихий мактаб вакиллари катта ишларни амалга оширганлар. Ўзбек фольклорининг тарихий илдизлари 3-4 минг йил аввал яратилган ёзма манбаларга бориб тақалади. Буни “Авесто”, “Бехистун”, “Денкарт” каби қадимий китоблардан Орхун – Енасой ёзувларидан, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” ҳамда Маҳмуд

Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” каби ўта нодир ва қимматбаҳо асарларида баён этилган маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Маълумотларга қараганда, ўша даврдан бошлаб фольклорнинг халқ оғзаки ижоди, мусиқий фольклор, Халқ рақси, халқ театри ва халқ дарбозлари мавжуд бўлган. Бироқ қадимги даврларда фольклорни илмий - амалий жиҳатдан ўрганиш, унинг маънавий ва миллий аҳамиятини очиб бериш, фольклор наъмуналарини кенг кўламда оммалаштириш имконияти бўлмаган.

Муסיқа ва кўшиқ инсонни миллийлигини белгилагани каби шарқ муסיқаси ғарб муסיқасидан ўзига хос тарзда ажралиб, фарқланиб туради.

Маданий мерос, хусусан, мусиқий тараққиёт борасида ҳам “Муסיқий макка” нисбатини олган ўзбек классик муסיқасини аҳамияти беқиёс. Бу замин-жаҳон илм-фани ривожланишига улкан ҳисса қўшган Хоразмий, Беруний, Замахшарий каби алломалар ватани.

Айни вақтда, ўзбек муסיқаси созпарвар диёр сифатида ҳам донг таратган. Бу ҳақиқатни Ҳазрати Навоий “Сабъай саёр”да гўзал бадиий тарзда ифодалаб берганлар. ”Мажолис ун-нафоис”да ўз даврининг йирик мусиқийшунослари Абул Вафой Хоразмийдан бошланиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Шу билан бирга ўзбек мусиқий меросининг асл тарихи ва бугунги жонли урф-одатлар билан боғлиқ томонлари етарли даражада ўрганилмай келётгани ҳам сир эмас.

Бизнинг интилишларимизни ана шу йўлдаги илк қадамлардан бири дейиш мумкин. Феруз (1846-1910) раҳнамолигида бу ўлкада юз берган “мусиқий ўйғониш” лардан кейинги учинчи ёки тўртинчи қадамлардир. Қандай бўлмасин, бу борада, олдин ўтган устозлар бисоти олдида биз ҳали кўп жиҳатдан ожизмиз. Тарих қаърига қанча чуқурроқ кириб боришимиз билан, бу ҳақиқат шунчалик аён бўлиб бораверади.

Эндиликда миллий қадриятларимизни аслига қайтариш вақти келди. Бу йўлда, фикримизча, биринчи навбатда амалга ошириладиган ишлар қаторида, миллий меросимизни нақдлашда, баҳолашда йўл қўйилган услубий хатоликларни бартараф этиш ҳамда мусиқийшуносликда замон мафқураси

тазйиқи остида ўралашиб қолган ғайри табиий тушунча ва иборалардан тозалаш лозим.

Маълумки, чинакам илм аниқ ва равшан тушунча ва масаланинг туб мазмунини акс эттирувчи атамалардан бошланади. Аслини олганда, олдинлари ёзма илмий манбаларда маълумки, муסיқийшунослик ва бошқа илмларда” бирламчи манба” тушунчаси мавжуд. Масалан, Алишер Навоий меросини ўрганишда шоирнинг ўзи ёки унинг яқин замондошлари хатга туширган қўлёзмалар бирламчи манба ҳисобланади. Бундай ҳужжатларнинг нодир нусхалари атрофлича қиёсий ўрганилиб, буюк мутафаккир яратган илмий ва бадиий асарларнинг танқидий матнлари тузилади, тегишли изоҳ ва тушунтиришлар билан муштарийлар диққатига ҳавола этилади.

Бизнинг муסיқий меросимиз, жумладан классик муסיқамиз ҳам табиатан ёзма нота матнларига туширилмасдан, авлодлар хотирасида яшаб келадиган ”жонли китоб” тоифасига мансуб. Қайд этилганидек ёзувсизлик уларнинг камчилиги эмас, аксинча, асл табиатига мос ва муносиб омил. Шарқда олдинлари ҳам турли нота ёзувлари бўлган, албатта. Лекин улар аксарият ҳолларда куй изми ёки унинг унсурлари ички тузилиши, парда ёки вазнга оид миқдор нисбатларини ифодалаш учун ишлатилмаган. Жонли удумлар-амалдаги муסיқий асарлар ҳамда тамбур чизиқлари каби асл манбаларга таянган изланишлар Марказий осие, жумладан, ўзбек мақомотининг сўнги асрлардаги тарихи ва илмий-назарий қонуниятлари ҳақидаги қарашларга айрим аниқликлар киритишга олиб келди. Масалан ўз вақтида “Шашмақом XVIII аср охирларида Бухорода шаклланди” деган қараш машҳур эди. Лекин қайси манба ва ҳужжатлар асосида бундай фикрга келинганлиги аниқ кўрсатилмаганди. Гарчан Устоз Исҳоқ Ражабовнинг устози А.А.Семёнов мавжуд манбаларга таянган ҳолда Шашмақомнинг изчил тарихини XVI асрдан бошлашни таклиф этган эди.

Олим А.А.Семёновнинг бош ғояси шундан иборатки, XV аср Темурийлар салтанатининг йирик маданий марказларидан бири Ҳиротда адабиёт ва муסיқа юксак чўққиларга эришган, Фитрат таъбири билан

айтганда “Хусайн Бойқаро ҳам Алишер Навоийнинг ҳимоялари остида ўзбек адабиёти, ўзбек муסיқийсининг ”олтун даври” Ҳиротда курила бошлайдир. А.А.Семёновва Фитратнинг фикрича Темурийлар салтанати инқирозга учрай бошлагандан кейин ”олтун давр” адабий ва муסיқий оқимлари Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Фарғонага қараб талпина бошлаган. Амалдаги миллий мақом навларига диққат билан разм соладиган бўлсак, мазкур ғоянинг остида ҳақиқат мавжудлигини далиллайди. Воҳаларда қарор топган жонли муסיқий урф-одатларни бир бутун муסיқий мерос деб қарайдиган бўлсак, унинг ўқ илдизлари нафақат Хусайн Бойқаро ва Навоий замонларига, балки ундан ҳам олдинроққа –Амир Темур ва унинг ворислари даврларига бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз.Энг муҳими, бу фикр нафақат илмий манбалар,балки барҳаёт мақом йўлларида, уларнинг атама йўлларида, ном ва белгиларида ҳанузгача барқарор яшаб келаётганидадир.

Шунинг учун, асл шашмақом ва унга ёнма - ён келаётган назиралар(шуъбалар – сафт ва мўғулчалар), Тошкент-Фарғона мақом йўллари, шунингдек XX аср шароитларига кўра янги қиёфа олган Ўзбек Шашмақоми, аслини олганда миллий мақомлар – “Мақомот” муסיқий уммонининг ҳаётбахш дарёлари сифатида қарор топмоқда.

Эндиликда бу барҳаёт мақом навларининг ҳеч бирини камситмасдан ёки бирини иккинчисидан устун қўймасдан (чинакам санъат асарининг катта кичиклиги, шунингдек бир икки муддат олдин ёки кейин зоҳир бўлиши – уларни бирини иккинчисидан устун қўйилишига асос бўла олмайди), аксинча, уларни бир бутун умумий жараённинг турли нав кўринишлари сифатида қабул қилиш вақти келди.

Мақомот тафаккурининг муштарак назарий асослари риёзий илмлар негизидапухта ишланган тизим. Илм ва санъат туташуви ҳақида сўз борар экан, риёзий илмлардан бирини қўллаш имконияти бўлмаган жойда аниқлик, далил ва ишонч тўғрисида гапиришнинг ҳожати йўқ, деган Леонардо да Винчи.Унинг устувор қонуниятлари, яъни назарий илдизлари бақувват. Қадимги мутафаккирлар айтганидек, ”энг яхши амал - бу чинакам назария”

Лекин мақомот амалиёти ҳам ҳеч қачон бир жойга қотиб қолган тартиб ва низомлар бўлмаган. Амалиёт доимий янгиланиш билан обод. Назариёт ва амалиёт уйғунлиги эса, мақомот ҳаётбахшлигининг барқарор гаровидир.

Фодаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Маҳкамов У.И. Ўқувчиларни маданий маданиятини шакллантириш муаммолари. Тошкент. "Фан", 1996 й.
2. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. Тошкент. Ўқитувчи 1992 й.
3. Республика илмий семинар материаллари. Замонавийлик контекстида номоддий маданий мерос ва ёшлар тарбияси. Тошкент. 2014 й.
4. И.Ражабов. "Мақом масаласига доир" Тошкент, Фан, 1963 й.
5. Ю.Ражабий. "Муסיқа меросимизга бир назар" Тошкент. 1978 й.
6. И.Ражабов. "Мақомлар" Тошкент. Санъат, 2006 й.
7. М. Абдукундузов. "Санъатимиз фидойилари", Тошкент., 2004 й.
8. О. Матёқубов. "Мақомот" "Муסיқа" 2004 й.
9. Фитрат. "Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993 й.
10. Алишер Навоий. "Мажолис ун – нафоис.
11. О.Матёқубов. "Бухоро Шашмақомига яна бир назар", Тошкент, 2014 й.
12. Ҳ.Аминов. Шашмақом баёзлари, Шашмақом сабоқлари. II тўплам. Тош.